O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 25 февраль, чоршанба • № 16 (10.999) • Эркин нархда сотилади

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

ИЛГАРИ хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 18-20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлди. Ўзбекистон раҳбари Украина заминида самимийлик билан кутиб олинди. Киевдаги муҳташам Мариинск саройида давлатимиз бошлиғи Украина Президенти Л. Кучма билан дийдор кўришди. Саройнинг Яшил залида ҳар иккала давлат бошлиқларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Баайни шу ерда Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун Ислом Каримов Украинанинг Биринчи Даражали Ярослав Мудрий Ордени билан тақдирланганлиги тўғрисидаги фармон янгради. Президент Л. Кучма ана шу олий нишонни мамлакатимиз рахбарига топширди.

Мазкур сафар арафасида Украина Президенти Л. Кучма ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстликни мастаҳкамлаш, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган эди. Президент Ислом Каримов ушбу нишонни Украина Президентига тақдим этди.

Ташрифнинг иккинчи куни Украина ва Ўзбекистон Президентлари рахбарлигида расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари билан бошланди. Унда иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш имкониятлари мавжудлиги таъкидланди. Шундан сўнг Мариинск саройининг Оқ залида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар И. Каримов ва Л. Кучма Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги «Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида"ги Шартномани имзоладилар. Шунингдек, Давлатлараро Консуллик Конвенцияси, оилавий ва фуқаролик ишларида ҳуқуқий ёрдам бериш, интеллектуал мулкни, атроф-муҳитни мухофаза этиш, табиий газ етказиб бериш билан боғлиқ ўндан зиёд Шартнома ва Битимлар қабул қилинди.

Маросим сўнггида икки давлат бошлиқлари оммавий ахборот воситалари муҳбирлари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Президент И. Каримов Ўзбекистонда амалга оширилаётган исловотларнинг асосий тамойиллари ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларга келсак, деди, жумладан, Ислом Каримов, биз бу борада бугунги кунда бутун дунё тан олган ўз моделимизга эгамиз. Ўзбек модели бозор муносабатларига иқтисодиётни сиёсатдан устивор деб белгилаган ҳолда, аҳоли ижтимоий ҳимоясини назардан соқит қилмай, босқичма босқич ўтишни назарда тутади.

Президент Л. Кучма Ўзбекистонда қарор топган тинчлик ва осойишталик иқтисодиётда эришилаётган ютуқларнинг замини эканини қайд қилди.

Шу куни Ўзбекистон рахбари иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, Номаълум аскар қабрига гуллар қўйди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаришга, бу соҳадаги исловотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу боис ташриф дастуридан давлатимиз рахбарининг Украина қишлоқ хўжалик фанлари академиясига қарашли Гидротехника ва Мелиорация институтига бориши бежиз ўрин олмаган эди. Бу илмгоҳда И. Каримов олимларнинг янги ишланмалари билан танишди.

Ўзбекистон Президентининг Украина Парламенти — Олий Рада-даги учрашуви чоғида мустақиллик йилларида жамиятни демократлаштириш борасида мамлакатларимизда орттирилган тажрибалар хусусида гап борди.

Ташрифнинг учинчи куни И. Каримов Днепропетровск шаҳрида бўлди. У ерда "Жанубий машинасозлик заводи" ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, Президент Ислом Каримовнинг Украинага ташрифи амалий натижаларга бой бўлди. Ўтказилган учрашув ва музокаралар сиёсий, иқтисодий масалаларда икки давлат рахбарларининг қарашлари муштарак эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Президент Ислом Каримовнинг Украинага сафари чоғида унга Бош вазир ўринбосарлари Қ. Хаққулов, М. Усмонов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

СУРАТДА: ҳужжатларни имзолаш пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат (ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЎҚИТУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

МАМЛАКАТИМИЗДА таълим тизимида исловотларни ривожлантириш, ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш масаласига тобора катта аҳамият берилмоқда. Республика Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонун бу борада амалга ошириладиган вазифаларнинг устивор йўналиши бўлиб қолди.

АЛБАТТА, уларни ижро этиш, авлодга ҳар томонлама мукаммал билим бериш, етук кадрларни вояга етказиш учун аввало, ўқитувчининг ўзи бунга тайёр бўлиши керак. Хўш, бугун таълим тизимида меҳнат қилаётган бу соҳа кишиларининг фаолияти талабга жавоб берадими?

Шу йилнинг 23 февраль куни вилоят ҳокимлигида вилоятдаги узлуксиз таълим муассасалари раҳбар ходимларининг аттестациясини ўтказиш масаласига бағишланган йиғилишда ана шулар тўғрисида гап борди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари муовинлари, халқ таълими бўлимлари мудирлари, ҳунар-техника билим юртлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Унда ўтказиладиган раҳбар кадрлар аттестациясининг асосий мақсади, жойларда кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонунни амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларнинг ижро этилиши тўғрисида гап борди.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли бўлим ва бошқармаларга, шаҳар ва туман ҳокимликларига аниқ вазифалар топширилди ҳамда қўшимча тадбирлар белгиланди.

РАҲБАРЛАР ЎҚИМОҚДАЛАР

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги "Гулистон" корпорациясида вилоятдаги пахта етиштирувчи туманлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалик соҳаси бўйича муовинлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари, ер тузиш ва ердан фойдаланиш бўлими бош муҳандислари ҳамда хўжаликлар раҳбарларининг бир ҳафталик ўқуви ўз ишини бошлади.

Ўқув машғулотларини вилоят ҳокими Эркин Рўзиев очди.

Тингловчилар ўқув давомида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тупроқшунослик ва агромуҳандислик илмий-текшириш институти, Бозор ислоҳотлари илмий-текшириш институти, республика Адлия вазирлиги, "Пахта" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўсимликшунослик ҳамда Шоличилик илмий текшириш институтларининг олимлари, вилоят солиқ бошқармаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари ҳамда вилоятдаги илғор хўжаликлар раҳбарларининг маърузаларини тингладилар.

Шу куни сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар ҳокимларининг муовинлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ва барча хўжалик раҳбарларининг ўқуви Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигида иш бошлади.

Ўқув машғулотларини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Уммат Мирзақулов бошқарди.

Ҳар иккала ўқув машғулотлари 28 февралгача давом этади.

ЎН БЕШИНЧИ ҚЎШМА КОРХОНА

ҚИБРАЙ туманидаги "Турон-97" масъулияти чекланган жамият деҳқон-фермерларининг исроиллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда қурган сутни қайта ишловчи қўшма корхоналари дастлабки маҳсулотни бера бошлади.

Исроилдан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу мажмуа бир кунда 10 тонна сутни қайта ишлаб, жаҳон андозалари асосида қадоқлаш қувватига эгадир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туманда очилган бундай ишлаб чиқариш тизилмаларнинг сони 15 тага етди.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида Исроил давлати элчихонаси вакиллари, ишбилармонлар, республика ва вилоят тадбиркорлари, деҳқон-фермер хўжаликлари аъзолари иштирок этишди. Тадбирда Қибрай тумани ҳокими Мирзамашраб Куччиев сўзга чиқди.

Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.

БИЛЛУРГА ИШЛАТИЛАДИ

БИЛЛУР ишлаб чиқариш учун қўрғошин оксиди ҳам кўплаб керак бўлади. Республикамизда бундай ҳом ашёга талаб чет элдан келтириш ҳисобига қондириляпти. Бунинг устига у қимматга тушмоқда.

Шуни ҳисобга олган Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати жамоаси бундай ҳаридоргир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришди. Бунинг учун махсус бўлинма барпо этилди ва зарур асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Шуниси таҳсинга сазоворки, қўрғошин оксиди чиқиндилар асосида тайёрланади. Бунинг учун яроксиз ҳолга келган аккумуляторлар пластинкаларидан фойдаланилмоқда. Маҳсулотнинг намуна нусхаси олинди. Бўлинма тўла ишга тушгач, бир ойда ўн беш тоннагача шундай қимматли ҳом ашё тайёрланади.

Собир ҲАМИДОВ.

ФАРМОНГА ШАРХ

Кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг айрим ҳарбий қисмларида ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид ўзаро муносабатлар ҳоллари аниқланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1998 йилнинг 23 февралида «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қўшинлари ҳарбий қисмларида ҳарбий интизомнинг аҳволини чуқур ўрганиш учун комиссия тузилди.

Комиссияга уч ой ичида ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчилари ўртасида низомга зид ўзаро муносабат ҳолларини бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар мажмуини Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш топширилди.

Ҳарбий интизомнинг аҳволи ва низомга зид муносабат ҳолларини бартараф этиш чора-тадбирлар самарадорлиги учун ҳарбий қисмлар командирлари ва тегишли қўшин турлари қўмондонлари жавобгардирлар. Президент Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Прокуратураси раҳбариятига бир ой муддат ичида ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид муносабат ҳолларининг хизмат текшируви тартиблари тўғрисида Низом тайёрлаш ва уни тасдиқлаш учун тақдим этишни топширди. Ўзаро муносабатларда низомга зид ҳар бир ҳолат учун ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар командирларини жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган шахсий жавобгарлиги Низомда белгиланади.

Ҳарбий қисмларда соғлом ахлоқий муҳитни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасига «Камолот» Ёшлар жамғармаси ва Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти билан ҳамкорликдаги ўз фаолиятларида ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратишлари тавсия этилди. Бунинг учун Хотин-қизлар қўмитаси қошида доимий фаолият кўрсатувчи комиссия тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига ушбу комиссия ўз фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароит яратишга кўрсатма берилди.

Сурхондарё вилоятининг «Оқтош» чегара постида ҳарбий хизматчиларни ҳалокатга олиб келган фожиали воқеа муносабати билан ушбу ҳодиса сабабларини пухта ўрганиш учун комиссия тузилди. Комиссия икки ҳафта ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз иши натижаларини тақдим этиши лозим.

Ҳарбий интизомни бўшаштириб юборганлиги, ўқотиш қуролларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ва бу жуда оғир оқибатга олиб келганлиги учун ушбу ҳарбий қисм қўмондонлигига нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган ўта қаттиқ чоралар кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида

1998 йил 17 февралдан 18 февралга ўтар кечаси Сурхондарё вилоятининг «Оқтош» божхона ва чегара назорати постида мазкур пост ҳарбий хизматчилари ўртасида можароли воқеа содир бўлди. Ҳарбий хизматчилардан бирининг ўқотар қуролни ишлатиши фожиали оқибатларга олиб келди. Ҳарбий хизматчилар ва божхона пости ходимлари орасида ярадорлар ва ҳалок бўлганлар бор.

Олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида можароли воқеа айбдори аниқланди ва қўлга олинди.

Ушбу факт юзасидан Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари қўмондонлиги ва бошқа тегишли органлар томонидан чуқур тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жиноий иш қўзғатилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўйича 1998 йил 15 февраль куни ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди.

Ўн олтита округда ўтказилган сайловда иштирок этган сайловчиларнинг таркиблари ҳисоблаб чиқилди. Шу жумладан, 166-Зафар округида сайловчиларнинг 98,9 фоизи, 170-Қизғалдоқ округида сайловчиларнинг 97,8 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси сайловлар барча округларда Қонун талабларига мувофиқ ўтказилганини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун"нинг 11-ва 46-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Сайланган депутатлар орасида 166-Зафар округидан сайланган Тошкент вилояти ҳокими Рўзиев Эркин Махмудович ҳамда 170-Қизғалдоқ округидан сайланган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Жаҳонгирова Дилбар Набиевналарнинг номлари ҳам бор.

1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ

ЧОЛ КАМПИРИН МАҚТАЙДИ

ЁШ авлодга кўп йиллар давомида билим ва тарбия бериб келган Саъдулла ота саксон иккинчи баҳорни қаршилаяпти. Умр йўлдоши Заҳро ая эса етмиш беш ёшда. Икковлари ҳам тетик, руҳан бардам. Улар билан суҳбатлашиб қолсангиз гап-сўзларидан бир олам завқ оласиз. Пиру бадавлат бу оилада камолга етган етти фарзанднинг ҳар бири ҳаётдан ўзининг муносиб ўринларини топган. Улар муомалалари, тўй-ҳашамлардаги хизматлари, мусибат тушган хонадонга мададкорликлари билан маҳаллада ҳурмат, эътибор қозонишган.

Отахон билан кўпинча мулоқотда бўлиб турамиз. Суҳбатимиз комил ўғил-қизларни вояга етказиш хусусига бориб тақалса, у киши бу борада онанинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлайдилар.

— Юртбошимиз Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — Она... деб бежиз айтмаганлар, — дейди отахон Заҳро аянинг етти фарзандни улғайтиришдаги хизматлари ҳақида мамнун бўлиб гапирар экан. Ярим аср давомида муаллимлик қилган Саъдулла ота ва қирқ йилдан кўпроқ дала ишларини бажарган Заҳро аяларнинг насиҳатлари бу борада катта аҳамият касб этди.

— Мен фарзандларим билан фахрланаман, — дейди онахон, — уларнинг барчаси меҳнатсевар, оилапарвар. Катта қизим Ҳожияхон — ўқитувчи, Ҳолида — иқтисодчи. Эргаш — муҳандис, — Сайфулла — хўжаликда раис муовини, Сайдулла геолог, Ҳайрулла — деҳқон, Ҳабибулло — олий ўқув юрти ўқитувчиси.

С. Хўжаев математика муаллими бўлиши билан бирга ёшлигидан адабиётга астойдил меҳр қўйганлиги учун ижодга ҳам берилди. Газеталарда ҳикоялари, очерклари босилди. Кейинчалик йирик тарихий-бадиий асарлар муаллифи сифатида танилди. Унинг "Белги изидан", "Тескари дунё", "Қуёшга интилган инсон" каби асарлари ёш авлод тарбияси, аждодлар меросини улуғлаш, қадриятларимизни эъзозлашга бағишланди. Бу китобларида олдинга сурилган ғоялар отанинг Мавлон Ғаниев номли маҳаллада кўп йиллардан буён маданий-маърифий йўналиш бўйича олиб бораётган ишларида қўл келмоқда.

— Вилоятимизнинг Қибрай тумани Ўнқўрғон фуқаролар йиғини ташаббусига қўшилиб, биз ҳам маҳалламизни тобора ободонлаштираяпмиз. Тўйларни сермазмун, файзли ўтказишга, таъзияларда бачкана одатларга йўл қўймасликка интилаяпмиз. — Оила йилида ҳудудимиздаги ҳар бир хонадон ҳол-аҳволини батафсил ўрганиш, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, тарбия ишларини йўлга қўйиш каби масалалар маҳалла қўмитамиз фаолиятидан кенг ўрин олган. Ана шу тадбирлар рўёбга чиқишида оз бўлса-да, менинг ҳам ҳиссам борлигидан мамнунман.

...Саъдулла ота каби бағри кенг хонадон соҳибларига ҳавас қилса арзийди. Зотан, бундай оилалар жамиятимиз кўрки, юртимиз ибрати ҳисобланадилар.

Эркин ҒУЛОМОВ, Нусрат КАРИМОВ, Тошкент тумани.

ҚОНУН — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ, жумладан, вилоятимиз аҳли ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини билишга, фақат қонунларга амал қилган ҳолда иш юритишга, давр билан ҳамнафас қадам ташлашга ҳаракат қилмоқда.

Яқинда Чиноз туманида бўлиб ўтган вилоят касаба уюшмалари кенгашининг навбатдаги "Иқтисодий ўзгаришлар шароитида касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш" деб номланган ўқув-машғулоти ҳам ҳуқуқий масалаларга бағишланди.

Ўқув-семинарда вилоят, туман касаба уюшмалари кенгаши қўмиталари раислари, фаоллари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўқув-семинарни вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова бошқарди.

— Ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган ёш мамлакатимизда касаба уюшмалари мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этади, — дейди у. — Касаба уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ фармонлар, ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқини муҳофаза этишга дахлдор муаммоларни ҳал этишда изчиллик кўрсатмоқдалар. Шу боис биз ўз уюшмаларимизни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан юксалишларга катта ҳисса қўша оладиган асосий ташкилотлардан бирига айлантиришимиз лозим. Ислоҳотларнинг рўёбга чиқишида уюшмалар фаоллиги ошиб бормоқда. Бу туманлар, корхоналар, жамоатчи ташкилотларнинг йиллик иш якунларида сезилмоқда.

Йиғилишда Чиноз тумани ҳокими Рустам Холматовнинг "1997 йил якунлари ва 1998 йилги истиқбол режаларини амалга оширишда туман меҳнаткашлари, хусусан, касаба уюшмаларининг ўрни" тўғрисидаги маърузаси тингланди. Сўнгра республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бўлими мудири Шамсиддин Жумаев юртбошимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобини қисқача шарҳлаб берди.

Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг юридик бўлими мудири — меҳнат ҳуқуқлари бош нозири Ҳамидулда Пирмуҳаммедовнинг "Янги меҳнат қонунини ҳаётга тадбиқ этишда касаба уюшмаларининг ўрни" ҳамда мазкур ташкилотнинг меҳнат бўйича бош техник нозири Герст Гафаровнинг "Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда товон тўлаш" мавзуидаги маърузалари ҳам йиғилганларни мушоҳадаги чорлади. Шунингдек, вилоят агросаноат мажмуаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Камолжон Шодиметовнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ва жамоа шартномалари ҳақида"ги ҳамда жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг сиёсатшунослик ва халқаро муносабатлар кафедраси бўлими мудири ўринбосари Роднога Андронованинг "Бозор иқтисодиёти жараёнида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатидаги долзарб масалалар" борасидаги маърузалари сермазмун бўлди.

Ана шундай ўқув машғулотлар вилоятимизнинг Бекобод, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Пскент, Янгийўл туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Рўзибой ҲАМИДОВ.

ҲАР КИМГА САХОВАТПЕШАЛИК ЯРАШАДИ

ТЎРТ фасли тенг ва бетимсол юртимизга баҳорнинг эрка бир шукуҳ, тоза нафас ила соғинтириб келиши ўзгача ва гўзалдир. Қаҳратон қаҳрини синдириб, аямажуз совуғини юмшатиб, қор кўрпасини кўтариб чечакларнинг кулиб туриши, қирларда бодомларнинг нафис гуллаши, Янги кун кириб келаётганидан дарак беради. Тупроқ тубида илдизлар тўлғанади, томирларда, новдаларда ҳаёт уйғонади.

Халқ севган ва ҳамиша асраб, гоҳо ошкора, гоҳо пинҳона байрам қилиб келган Наврўз яна она-Туркистон бағрига қайтди.

Наврўз — бу шодлик, тинчлик, ҳамкорлик, мустақилликнинг қалдирғочи, баҳорий элчиси бўлди. У — улуғланиш, Инсонни эъзозлаш ҳамда инсоннинг умрига умр қўшиш, очиғини айтганда, бир йилга яшартириш демакдир.

Тарих ғилдираги кўп нарсаларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқараверган. Ўз вақтида нақадар ҳайбатли, даҳшатли кўринган воқеа-ҳодисалар ҳам пайти келиб, арзимас гапдек туюлавераркан. Бўлмаса, бир замонлар жаҳон харитасининг жуда катта қисмини "эгаллаб" турган қизил рангдаги советлар "мамлакати"нинг батамом тарқалиб, коммунистик тузум кунфаякун бўлиб кетишини ўша даврларда тасаввур этишнинг ўзи қўрқинчлик эди. Тарихнинг зарбаси билан жаҳоншумул воқеалар юз берди. Қизил империя барҳам топди. Миллионлаб эркпарвар инсонлар орзуси рўёбга чиқиб, мустақил республикалар озодлик байроғини баланд кўтардилар. Хусусан, жонажон Ўзбекистонимиз ҳам 1991 йил 1 сентябрни Мустақиллик куни байрами деб эълон қилди. Ўша тарихий кундан буён Ўзбекистон аталмиш мамлакатимизда ақл бовар қилмас ўзгаришлар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

Наздимда, юртимизнинг Мустақиллик байрами ва табиат ато этган Наврўз байрами ўртасида қандайдир ришта — узвийлик борга ўхшайди. Бири — она-табиатнинг, иккинчиси—жамиятимизнинг тантанаси, улуғвор байрами. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, мустақиллик даврида табиат байрами — Наврўз ўзгача чирой, тароват кашф этмоқда. Ҳар йили Наврўз байрамида олам янглиғ мустақил юртимиз ҳам нақадар файзли, тароватли бўлиб кетаётир.

Истиқлол шарофати ила кенг нишонланаётган Наврўз байрами ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб ёзсак арзийди. Табиат жонланишига монанд байрам ўтказилаётир юртимизда.

Шу байрамимиз янада табиийроқ, файзли ва тароватлироқ бўлиши учун айрим фикрларимизни баён этишни лозим топдик. Аввало, Наврўз — табиат эҳсони ва халқ байрами. Унга ҳар йили қайта-қайта ва янги-янги сценарийлар ёзиш шарт эмас. Халқ байрамини халққа қўйиб бериш керак, вассалом. Тўғри, узоқ йиллик собиқ шўро тузуми даврида Наврўз маълум даражада унутилгандир, кенг миқёсда байрам қилиш "тадбирлари" ёддан чиқаёзгандир. Ҳайтовур, юртимиз истиқлолининг дастлабки йилларида бу хатоликларга батамом барҳам берилди, деб ўйлаймиз. Қайта-қайта

"саҳналаштириш" — уни амалда бачканалаштиргандек, саёзлаштирган ё ясама байрамга айлантириб қўяётгандек таассурот қолдиради кишида.

Тўғри, Наврўз шу гуллаган замонда ўзига хос равишда нишонланиши керак. Дейлик, ўша кунлари «Ойнаи жаҳонда» узлуксиз кўрсатувлар намойиш этилиши байрам файзига файз қўшади. Шу каби замонасозлик, жамият тараққиёти байрамларимизга ўзига яраша мазмун бахш этиши нур устига аъло нур. Бироқ, биз ҳар бир жараёнда меъёрни унутиб қўймаслигимиз даркор.

Халқ байрамини халққа қўйиб бериш керак, дедик. Энди шу халқ удумларини чинакам бўлишига эришиш тақозо этилади. Тарихдан маълумки, Наврўз кунлари қилинган эҳсонлар жуда катта савоб саналган. Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиши керак" деган сермазмун сўзлари ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг "Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз" деган ўлмас сатрларига ҳамоҳанг эмасми?!

Энди ҳаёт қонуниятларига назар солсак, хайрия, савоб, соддароқ қилиб айтганда — текинга хизмат қилишга ҳар кимнинг ойлаб ё йил бўйи қурби етмаслигини тўғри тушунмоқ керак. Аммо, ота-боболаримиздан қолган удум — Наврўз куни шундай савоблар ҳақида ўйлайлик. Ахир, ўша куни давраларда ашула айтган ҳофиз давлат хазинасидан пул олмаслиги, ошпазу чойхоначи беминнат ишлаши, чироқ усталарию монтёрлар, сартарошу этикдўзлар, сценарий муаллифию режиссёрлар, рассому операторлар, томошагоҳлар хўжайинларию бошқа хизматчилар холисанлиллоҳ хизмат қилишлари мумкин-ку, ўз халқига. Халқнинг ўзидан чиқиб, ўша халқнинг ўзига хизмат қилишдан ҳам ортиқ бахт борми бу дунёда?

Таассуфки, бизда "байрам кунлари ишлаган кишига икки баравар маош тўлаш" қандайдир "одат"га айланган. Буни биз бутунлай инкор қилмоқчи эмасмиз. Деярли ҳар ойда бўладиган мамлакат миқёсидаги байрамларда ҳам ўз ишхоналарида, "пост"ларида сидқидилдан хизмат қилган кишиларни моддий рағбатлантириш адолат, албатта. Бироқ, азал-азалдан меҳру саховат байрами ҳисобланган Наврўзда халққа ҳам, давлатга ҳам бир бора саховат кўрсатиш пурҳикмат эзгулик, деб биламиз.

Ҳар нарсани ҳисоб-китоб қилишга ўрганган кўнгиллар Наврўзда сумалак "савдоси"дан чўнтакларини қаппайтирган ҳоллар ҳам юз берди. Ваҳоланки, қадимда ҳам савдосотиқни жуда ўринлатишган боболаримиз Наврўзда сумалакни сотишни ҳазм қила олмаганлар. Савоб учун улашиш лозим, деб билганлар. Албатта, бунинг ҳам ўзига яраша хосияти бўлса керак.

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг ўзига қўйиб берилса, халққа таянилса — Наврўз чинакам халқона байрамлигича давом этаверади. Элларни элларга, эшларни эшларга, дилларни дилларга ошуфта этувчи Наврўз рўйи заминни яшнатиб келаверади. Янги ойни кўрганда дуо қилингани мисол ҳар Наврўзда миллионлаб кишилар эзгу ниятлар қилиши табиий ҳол. Илло, асрлар оша табиатнинг бу эҳсони, қутлуғ байрами — Наврўз авлодларимизга муносиб мерос бўлиб қолғай.

Шавкат МИРАЛИМОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ТИНЧЛИКНИНГ ФАОЛ ҲИМОЯЧИСИ

Жаҳон матбуоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби тўғрисида

XX аср, ўйлаймизки, тараққиёт йилномасига, авваламбор, кўплаб халқлар, жумладан Марказий Осиёда яшаётган халқлар муносабатларида тарихий ҳаққонийлик тикланишининг кучли ҳаракати сифатида киради.

Ушбу кўҳна замин ўзининг бутун тарихи мобайнида жаҳонга буюк алломалар ва давлат арбоблари, инсоният тараққиётини ўн йиллар ва асрлар олға силжитган даҳоларни етказиб берган.

Афтидан таниқли олим, Марказий Осиёнинг замонавий тарихи бўйича мутахассис, Париж академияси профессори В. Фурье Ўзбекистонга нисбатан айтган қуйидаги сўзи бежиз бўлмаса керак: "Ҳар бир тарихий давр ўзининг бетакрорлиги ва бошқарув услублари билан ажралиб туради. Бугун биз қадимдаги каби мустақил давлат тикланаётганлигининг гувоҳимиз. Бу Евроосиё майдонида кучлар тенглигида катта рол ўйнаётган бошқа шаклдаги давлатдир.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон мустақиллик йилларида нафақат мамлакат ичкарисида тинчликни сақлади, балки, у бутун минтақа барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу жараён иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги глобал ўзгаришлар муҳитида амалга ошмоқда. Агар жаҳоннинг "қайноқ нуқталари" — фуқаролар уруши алангаси авж олган — Афғонистон ва Тожикистон бизнинг чегараларимизга айнан яқин жойлашганини, минтақа мамлакатларининг жўғрофий, этник ва тарихий яқинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолатда республиканинг халқаро майдондаги муваффақиятлари яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати жаҳон жамоатчилигининг энг йирик доираларида табиий қизиқиш уйғотмоқда. Шу ўринда Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобининг дунёга келиши ўтган 1997 йилнинг муҳим воқеасига айланди. Асар хавфсизлик фалсафаси ва стратегиясини нафақат минтақавий, балки дунёвий миқёсда англашда янги саҳифани очди. Ва айнан шунинг учун мазкур китоб мамлакатимиз ҳамда минтақамиздан олисда ҳам ўзига хос эътирофга эга бўлмоқда.

Кўплаб тилларга таржима қилинган асар кун сайин янги ўқувчилар топаяпти. Турли мамлакатларнинг етакчи нашриётлари ушбу асарни чоп этиш ҳуқуқини қўлга киритмоқдалар. Улар қаторида Англиядаги "Керзон Пресс", Германиядаги "Гибир Тонес", Хитойдаги "Халқаро маданият", Туркиядаги "Билиг" ва бошқалар бор.

Асарнинг турк тилидаги нашрига Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ёзган сўз бошида мана бундай жумла бор: "Ҳурматли Ислом Каримовнинг китоби шундан далолат беради, Ўзбекистон бутун жаҳонда тинчликнинг фаол ҳимоячиси бўлиб қолади".

Китоб муаллифи томонидан одатдан фарқли ўлароқ кенг миқёсда кўтарилган саволлар ва муаммолар ўқувчилар сафининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Давлат ва сиёсат арбоблари, сиёсатшунослар мазкур китобдан ўзларини ўйлантираётган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилаяптилар. Мана, бу тўғрида "Халқаро маданият" Хитой давлат нашриёт корпорацияси Бош директори Чжан Гуйлай шундай дейди: "Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар назарияси ва амалиёти ХХРда ўтказилаётган ислоҳотлар ривожи учун муҳим аҳамиятга эгадир".

Мана бу эса таниқли ҳинд дипломати Т. Каулнинг фикри: "Ислом Каримов асарининг дунё юзини кўриши курраи заминнинг турли нуқталаридаги келишмовчилик марказлари пайдо бўлишидаги омилларни англашда ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлди. Ислом Каримовнинг минтақавий хавфсизликка нисбатан билдирган фикрлари ҳозирги замонда муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига ишонч уйғотади".

Украиналик профессионал дипломат Г. Ходоровский шундай дейди: "Ислом Каримовнинг ушбу асари кўплаб одамлар учун кундалик қўлланма бўлади ҳамда мазкур китобда қўйилган муаммоларнинг долзарблигини тушуниш ва ҳар биримиз учун келажак авлод олдидаги

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

масъулиятни ҳис қилишга ундайди".

Етакчи таҳлил марказларининг кўзга кўринган олимлари ва раҳбарлари ҳамда академик доиралар вакиллари китобнинг юқори илмий даражасига алоҳида эътибор беришмоқда. Сорбоннада ўтказилган тақдимнома маросимида Париж Академияси ректори, Торонто (Канада), Нью-Йорк (АҚШ) ва Абербин (Буюк Британия) университетлари фахрий аъзоси М. Массалу шундай фикр билдирди: "Китобда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги муаммоси орқали дунёвий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар кўрилади. Ушбу масалаларни ечиш бўйича француз олимлари ҳам иш олиб бормоқдалар ва мен ишонаманки, улар ушбу китобда ўзларини ўйлантираётган кўплаб саволларга жавоб топадилар".

Украина Фанлар Миллий академиясининг Жаҳон иқтисоди ва халқаро муносабатлар Институти директори академик Юрий Пахомов шундай ёзади: "Бу асар бетакрордир. Китобда ўз мамлакати орқали дунё ва даврни кузата олиш маҳорати кўзга ташланади". Муаллиф ўз мактубида яқин ўтмишни эслаган ҳолда шундай давом этади: "Ўша даврдаёқ Ислом Каримов сиёсатдонлик иллатидан ҳоли фикрдан бошқача даврга қадам босган инсон сифатида таассурот уйғотган эди".

Китобга бўлган қизиқиш оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг акс этмоқда. Тақдимнома маросимлари тўғрисидаги хабарлар, асарга бағишланган сўзбоши, фикр-мулоҳаза ва тақризлар жаҳоннинг етакчи нашрлари саҳифаларида тобора кўпроқ ёритилмоқда.

Франциядаги энг оммавий таъсир доирасига эга газеталардан бири "Фигаро" шундай ёзади: "Ўзбекистон ва яқин қўшни мамлакатлар тарихидаги кўпсонли мисоллардан келиб чиққан ҳолда Ислом Каримов шундай чуқур хулосага келадики, тарихни келишмовчиликлар ва урушлар эмас, балки халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик ҳаракатлантиради".

Ўзбекистон ва унинг йўлбошчисига бўлган қизиқиш яна бошқа бир газета—"Француз янгиликлари"да чоп этилган барча мақолаларда ҳам ўз ифодасини топган. "Президент Каримов ютуқлари", "Давлат хизматидаги қобилиятли инсон", "Ўзбекистон Республикаси томонидан эришилган муваффақиятларнинг халқаро эътирофи" дея номланган мақолалар тўплами қуйидагича хулоса билан якунланади: "Ўтган олти йил давомида Ислом Каримов шуни исботладики, унинг мамлакати ўз ривожланиш йўли орқали бориш имкониятига эга. Бу эса нафақат халқнинг юқори турмуш даражасига эришишига, балки Ўзбекистоннинг олдинги ўринларга чиқишига асос бўлади".

Ислом Каримов асарига бўлган қизиқишнинг ўсаётганлиги тўғрисида бир далил: "Фақат кейинги ой давомида Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасига Ўзбекистон Президентининг янги китобини олишда ёрдам беришни сўраб 30 дан ортиқ киши мурожаат қилган. Улар орасида жамиятнинг турли қатламлари вакиллари: олимлар, ишбилармонлар, журналистлар, ўқитувчилар ва ҳатто бир ҳарбий раҳбар ҳам бор эди".

Ҳа, "биз Марказий Осиёдан ташқарида бўлаётган воқеалардан четда эмасмиз. Биз инсониятнинг бир бўлагимиз, дунё эса ўзаро боғлиқ ва бўлинмасдир". Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари мустақил Ўзбекистоннинг бутун дунё ҳамжамияти тақдири билан ўзининг бўлинмас бирлигини англаган сиёсати мазмунини яққол ифодалайди.

Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобини ўрганаётган сермулоҳазали ўқувчи албатта, йўл бошидан бери Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий тактика ва стратегиясида ҳеч қандай тасодифий қадам босилмаганлигига эътибор беради.

Нафақат мамлакатимиз ва минтақада, балки курраи заминнинг ҳар бир бурчида хотиржамлик ва тинчликка эришиш йўлида бошланган ҳаракат давом этмоқда.

Шуҳрат ЁҚУБОВ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси.

ОХИРИ БАХАЙР БЎЛМОҚДА

● ИРОҚ инқирози ҳамон жаҳон оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан тушмаётир. Лекин, кейинги кунларда вазият бир қадар юмшади, деб айтиш мумкин. Бунга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Ананнинг Бағдодга ташрифи сабаб бўлди. У бу ерда бўлганида Ироқ раҳбарлари — президент Саддам Ҳусайин, Бош вазир ўринбосари Тариқ Азиз ва бошқалар билан музокаралар олиб борди. БМТ махсус текширув гуруҳи аъзолари билан мулоқотлар бўлиб ўтди. Барча саъй-ҳаракатлар Ироқ инқирозини тинч йўл билан ҳал этишга, АҚШ ва унинг шериклари бошламоқчи бўлган ҳарбий зарбанинг олдини олиш муаммоларига қаратилди. К. Аннан сафари душанба куни ниҳоясига етди. Бош котиб Ироқ билан белгиланган жойларни текшириш юзасидан келишувга эришди. У кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида музокаралар якунларига тааллуқли маъруза билан чиқди.

"ЭНГ КАТТА"СИ ҚЎЛГА ТУШДИ

● ЕР КУРРАСИНИНГ деярли барча мамлакатларида "Кали" картелини жуда яхши билишади. Чунки, у жаҳонни гиёҳвандлик моддалари билан таъминлашда донг таратган. Шу боис мазкур картел Колумбияда энг бой ташкилотлардан бири ҳисобланади. Лекин, унинг раҳбари Нельсон Уредо деган шахс бир неча йиллардан буён "Интерпол" изқуварлари томонидан қидирилмоқда эди. Ниҳоят у бир неча кун бурун қўлга тушди. Аммо 150 миллиард доллар бойликка эга бўлган "хўжайин"нинг адлия идоралари чангалидан тезда чиқиб кетиши мумкинлигига шама қилинмоқда.

«ГРУЗИНЧА» ЎҒИРЛАШ

● ГРУЗИЯ Президенти Э. Шеварднадзе ҳаётига қилинган суиқасд атрофидаги машмашалар айни кунларда ҳам тинчигани йўқ. Билакс шу орада бу ишга алоқадор бошқа қалтис воқеалар содир бўлди. Бир неча кун муқаддам дафъатан Грузия-Абхазия жанжалли минтақасида фаолият кўрсатаётган БМТ ҳарбий кузатувчиларидан тўққиз нафар киши ўғирлаб кетилди.

Тўполон бошланди. Қидирувлардан сўнг, ниҳоят, гаровга олинганлар Цаленжих туманининг тоғли Жихаскари қишлоғида ушлаб турилганлиги маълум бўлди. Бу маскан воқеа содир бўлган Зугдиди шаҳридан 20 километр узоқликдадир. Дарҳоя ҳуқуқтартиботни муҳофаза этиш ходимлари билан жиноятчилар ўртасида музокаралар бошланди... Улар Э. Шеварднадзе ҳаётига суиқасд қилишликда гумон қилиниб ушланган ўзларининг олти нафар шериклларини озод этишни ва Грузиянинг бутун ҳудудидан Россия ҳарбийларини чиқариб юборишни талаб қилдилар. Акс ҳолда улар БМТ кузатувчилари бўлган зобитларни маҳв этажакларини билдирдилар.

Грузия Ички ишлар вазири Коха Таргамадзе бу ҳуруж ҳам мамлакатнинг собиқ президенти Звиад Гамсахурдиа одамлари томонидан қилинганлигини айтди. Расмий Грузия мазкур муаммони тинчлик йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилмоқда.

АНТИҚА СЎРОВ

● ЯҚИНДА Англияда антиқа сўров ўтказилди. Одамларга "Юқори мартабали кишилардан кимни ёмон кўрасиз?", — деган саволга жавоб беришлик таклиф этилди. Маълум бўлишича, Британия фуқароларига олий мартабали шахсларнинг овозлари, соч тарашлари, кийинишлари, маликаларга муносабатлари ё ёқаркан ёки аксинча... Сўровда "ёмонотлиқлар" рўйхатида биринчи ўринни собиқ Бош вазир Маргарет Тэтчер эгаллади. Унинг овози ва ўзини тутиши кўпчиликка ёқмас экан. Иккинчи ўринни малика Дианага нисбатан рўйхуш бўлмаган валиахд Чарльз олди. Учинчи ўрин эса сочини ғалати тарайдиган ва Англия таомларидан кўра Италия "луқмаларини" ғоят севадиган ҳозирги Бош вазир Тони Блэрга "насиб" этди.

ЎША КУН КЕЛАДИ

● МЕХИКОНИНГ Чиуауа штатидаги шифохоналардан бирига яқинда Кристина Н. исмли бир аёл кўрикдан ўтиш учун келди. Текширувлардан сўнг ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди... Бўлажак она қорнида тўққиз нафар ҳомиланинг борлиги маълум бўлди. Бош ҳаким Эдуардо Понсе Белтраннинг айтишича, эгизакларни соғ-саломат дунёга келтириш ва онанинг ҳаётини омон сақлаб қолиш учун барча имкониятлар, мутахассислар ва асбоб-ускуналар етарлидир. Худо хоҳласа, яна тўрт ойдан сўнг Кристинани бутун оламга машҳур қиладиган кун келади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ПУХТАНИНГ ИШИ БЕШ

БУ ЖАМОАНИ Янгийўлда яхши билишади. У шаҳарнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳар йили қатор ишлаб чиқариш тизилмаларини бунёд этмоқда. 109-механизациялашган кўчма жамлама бунёдкорлари шу кунларда ҳам қатор иншоотларни барпо этишда фаол қатнашмоқдалар. Жамоа бозор иқтисодига ўтиш шароитларида ишлашга олдиндан пухта ҳозирлик кўргани учун ҳам бир маромда меҳнат қилаяпти, катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж юмушларини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Бинокорлар "Биокимёзаводи" ҳиссадорлик жамиятининг янги ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда вилоятимиз иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган целлюлоза — қоғоз фабрикасини барпо этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар бундан бирмунча муқаддам фойдаланишга топширилган ва ҳозирги вақтда минглаб тонна "оқ олтин"ни қайта ишлаётган пахта заводи ёнида қад кўтармоқда. Шундай қилиб, бу ерда йирик бир саноат минтақаси юзага келаяпти.

"Биокимёзаводи" ҳудудида қурилиш ишлари чакки эмас. Унда жамламанинг қатор бригадалари ёрдамчи пудратчи ташкилотлар вакиллари билан биргаликда сувни кимёвий тозалаш мажмуасини, қозонхонани қурмоқдалар. Турбоагрегатларини ўрнатишяпти. Ёнғиндан сақлаш депоси тикланмоқда. Уларнинг барчаси йил охиригача фойдаланишга топширилиши лозим.

Заводни кенгайтириш ишлари бир неча йилдан бери давом этмоқда. Ўтган йили жамлама аъзоларининг меҳнати билан ҳар йили 940 минг декалитр озиқ-овқат спирти ишлаб чиқарувчи завод қурилган ва фойдаланишга топширилган эди. Бу корхона узлуксиз ишлаб турипти.

— Жамоамизнинг ишлаб чиқариш-хўжалик дастурида, — дейди жамлама бошлиғи Абдураҳим Нормирзаев, — целлюлоза-қоғоз фабрикасининг қурилиши алоҳида ўрин тутади. 12 гектар майдонда қад кўтараётган бу корхонага жамламанинг асосий кучлари жалб қилинган. Бундан ташқари, "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси ташкилотлари жамоалари ҳам қатнашмоқдалар. Бизнинг С. Шукуров, Ш. Бекжонов, А. Ермоков ва Р. Арслонов раҳбарлик қилаётган тажрибали бригадаларимиз юксак унум билан ишлашяпти. Йил давомида бу ерда 700 миллион сўмликдан кўпроқ сармоя ўзлаштирилиши лозим. Бу ўтган йилдагига қараганда 30 фоиздан кўпроқ ортиқдир.

Шу кунларда асосий ишлаб чиқариш биносининг иккинчи қаватида қоғоз машинасини ўрнатиш ниҳоясига етказилмоқда. Уни Олмониянинг "АПА" фирмаси шартнома бўйича етказиб берди. Машинани ишга

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

туширишсозлаш ишлари март ойида бошланиши лозим. 12 минг тонна юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линияни эса шу йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топшириш назарда тутилмоқда. Ҳар йили 14 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқарувчи бошқа цех йил охиригача қуриб битказилади. Унинг маҳсулоти қоғоз, кимё ва бошқа саноат тармоқлари учун хомашё бўлиб хизмат қилади.

Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий хомашё ишлатилиши ҳам эътиборга лойиқдир. Асосан, пахтани қайта ишлаш натижасида чиқинди сифатида ажралиб чиқадиган момиқдан фойдаланилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эса республикамизда ҳам талаб катта. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларга ҳам сотиб, валюта ишлаш мумкин. Ҳозирча қоғознинг 30 фоизини ва целлюлозанинг деярли ярмини яқин ва узоқ чет эл мамлакатларига экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Шунинг учун ҳам жамлама бинокорлари бу муҳим ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишда зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишаяпти. Барча мавжуд меҳнат ва моддий-техника салоҳияти сафарбар этилмоқда. Иш икки, лозим бўлса уч сменада уюштириляпти.

Лекин қурилиш майдонида ҳамма иш силлиқ кетаяпти, деб бўлмайди. Йирик саноат мажмуини барпо этишда камчиликлар, етишмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Айниқса, у ёки бу қурилиш материалларининг камчилиги ҳоллари учраб турмоқда. Лекин уларни бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўриляпти. Шунинг учун ҳам ишчилар меҳнат шароитларидан қониқиш ҳосил қилмоқдалар. Унумли ишлаб, яхшигина ҳақ олмоқдалар. Бетончи, ғишт терувчи ва бошқа кўпгина ихтисосга эга бўлган бинокорларнинг маошлари 10 минг сўмдан ҳам ошиб кетмоқда. Жамламада ҳар ойда унинг миқдори умумий вазифани ҳал қилишга қўшилган ҳисса билан белгиланмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир қурувчи самарали ишлашдан моддий манфаатдордир. Бош пудратчи ҳисобланган жамлама ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бажарган иш учун маблағни ўз вақтида ажратмоқда. Пухтанинг иши беш, деганлари шу бўлса керак.

Жамлама раҳбарининг таъкидлашича, юқори иш ҳақи унумли ишлаш учун ягона омил эмас. Моддий рағбатлантиришнинг қатор бошқа шакллари ҳам амалда қўлланилмоқда. Жамлама 1995 йилдан мулк шаклининг ҳиссадорлик усулига ўтиб ишламоқда. Барча ишчи-хизматчилар унинг акцияларини харид қилишди. Бу қимматли қоғозлар бўйича дивидендларни вақтида олишяпти. Яна бир ибратли мисолни келтирмоқчимиз. Фабрика қурилишида қатнашаётган бинокорлар учун жамлама ихтиёрида қолаётган соф фойда ҳисобидан бепул нонушталар, тушликлар ва иккинчи сменада ишловчилар учун кечки овқатлар ташкил этилмоқда.

109-механизациялашган кўчма жамлама жамоаси ҳар қандай мураккаб иншоотни ҳам бемалол қура олишини узоқ йиллардан бери исбот қилиб келмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш шароитларида бир маромда ишлашнинг омилларидан бири ҳам шундадир. Натижада, жамоа таркиби муқим бўлмоқда. Малакали ва тажрибали ишчилар унда кўпчиликни ташкил этишади. Уларнинг қурувчилик касбига содиқ бўлиб, бундан буён ҳам самарали ишлашларига ишончимиз комил.

Икром АҲМЕТОВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг жамоатчи мухбири.

ДИВИДЕНДЛАР — АКЦИЯДОРЛАРГА

•«Тошвилюктранс»га қарашли 121-Янгибозор акциядорлик автокорхонасида бир дона акцияга 821 сўмдан дивиденд тўғри келди • Корхонада 100-150 тадан, ҳатто, ундан ҳам ошириб акция олганлар бор • Мазкур жамоада ўтган йили соф фойда 13 миллион сўмдан ошиб кетди •

БУГУН Роҳат Акимовнинг кайфияти ҳар кунгидан ҳам аъло. Оилага бош иқтисодчи Сулаймон Иброҳимов айтган қувончли хабарни етказса, уйдагилар роса севинишади. Ҳақиқатдан, янгича ишлаш инсонни ҳам маънавий, ҳам моддий бойитар экан. У кўп йиллардан бери ҳайдовчи бўлиб ишлаётган 121-Янгибозор акциядорлик автокорхонасида ойлик маошлар ҳам, дивидендга тўланадиган улуш ҳам ошиб бормоқда. Ўтган йил ҳисобидан ҳар бир ишчи хизматчи сотиб олган бир дона акциясига 821 сўмдан дивиденд тўғри келди. Корхонада Роҳат каби 100-150 тадан, ҳатто ундан ҳам ошириб қимматбаҳо қоғоз олганлар бор. Кўз ўнгида 168 та акция эгаси бўлган ҳамкасбининг дивиденд пулини бош иқтисодчи ҳисоблаб берди: 137 минг 928 сўм. Ўзиники ҳам 100 мингдан ортиқроқ.

— Очиғини айтганда, дивиденд ҳисоб-китоби чиқарилаётганда биргина менда эмас, корхонадаги жамоа аъзоларининг барчасида руҳ ўзгача бўлади, — дейди ҳайдовчи. — Лекин, бунга осонликча эришилмади. 3 йил аввал худди мактабдаги каби қўлга қалам-дафтар олиб ўқишга тўғри келди. Яна қай пайтда денг. Кунлик топшириқни бажариб келгандан кейин. Мақтанишга йўйманг-ку, корхонада ҳар бир ҳайдовчи, ишчи, таъмирловчи ўзига яраша иқтисодчи бўлиб кетган.

Роҳатнинг сўзларига бошқа ҳайдовчилар билан бўлган мулоқотда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ҳар ким қайси ишни қай тартибда бажарса, қандай манфаатдорликка эришишини беш қўлдек билади. Масалан, 1-бригада бошлиғи Асом Усмонов ҳар ойда топшириқни тўлиқ адо этган ҳайдовчининг маошига 50 фоиз, машинаси тиркамали бўлса 100 фоиз устама ҳақ қўшилишини гапириб берди.

— Мулк шаклининг номи ўзгаргани билан бу самарадорлик ортиши тайин деган гап эмас, — дейди корхона директори Александр Енхванович Дё, — ҳар бир киши ана шу ислоҳотнинг моҳиятини ипидан игнасигача билса, рўй берган ўзгаришлар ўзига нима манфаат етказишини онгли равишда идрок этса, бор вужуди билан ишга берилади. Бундай фаолияттдангина самара кутиш керак. Акциядорликка ўтиш жараёнимизда қисқа муддатли иқтисодий ўқув ташкил қилинганлигининг боиси шундан. Корхонамизда ўзгаришлар силлиқ борди, деб бўлмайди. Дастлаб акция олишга иккиланиб турганлар, бир йилги дивиденд ҳисоб-китобидан кейин ўзлари қайта-қайта сўраб кела бошлашди. Иккинчи бор чиқарилганлари ҳам талаш бўлиб кетди. Шу тарзда ишчилар тафаккури ўзгарди. Улар қатъий интизом билан топшириқни сидқидилдан бажарсалар моддий манфаатдорликлари ортишини тушуниб етдилар.

Ўтган йили автокорхона умумий даромади режадаги 107 миллион 499 минг сўм ўрнига, 121 миллион сўмдан кўпроқни, соф фойда эса 1996 йилдагидан 2 миллион сўмга ортиб, 13 миллион 806 минг сўмни ташкил этди. Ўртача ойлик кўрсаткичи 6,5 минг сўмга етди.

Жамоа даромадига Тароемгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари ҳам ҳар йили уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Корхонада маданий-маиший шарт-шароитлар яхшиланди. Қуёш ҳарорати билан иситиладиган ҳаммом, душхоналар мунтазам ишлаб турибди. Шинамгина клубда дам олиш бурчаги мавжуд.

— Хоҳ иқтисодий, хоҳ маънавий бўлсин, ислоҳотларнинг юриши малакали кадрларга боғлиқлиги аниқ, — дейди суҳбатимиз давомида автокорхона раҳбари, — ишнинг муваффақиятини таъмилашда Асқар Бойбўсинов, Сулаймон Иброҳимов, Тўравой Топилов, Акбарали Мирбобоев, Гулсара Абдуназарова, Умида Раҳмонова, Зафар Акромов, Ирода Иброҳимова, Эрлан Асқаров каби мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Автокорхонанинг бу йилги режалари ҳам улкан. 1997 йилда манзилларга бир миллион 283 минг тонна ўрнига 1 миллион 309 минг тонна юк етказилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткични 1,5 миллион тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун имкониятлар бор. Қурилиш иншоотлари, ғаллазорлар, пахта далалари, пичанзорлардаги жўшқин меҳнат, фуқароларнинг турли буюртмалари бўйича хизматлар учун ҳайдовчилар ҳамиша ҳозиру нозирлар.

Саидвали ҲАСАНОВ.



СУРАТДА: акциядорлик автокорхонасининг пешқадам таъмирловчиси Ласкер Хасенов иш устида.
Владимир ГРАНКИН олган сурат.

ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИРУ НОЗИРЛАР

ЯҚИНДА йўлимиз Байтқўрғон қишлоғига тушди. Бу ерга келган киши катта йўл ёқасида шинамгина қурилган гузар чойхонасига кирмай ўтаолмайди. У ҳамиша одамлар билан гавжум. Кексалар юмшоқ кўрпачалар устида чой ичиб, мароқли суҳбат қурадилар. Бу ерда чойдан тортиб, миллий таомлар, бўрсилдоқ нонлар, турли ширинликлар ҳам хўрандаларга таклиф қилинади.

Ушбу гузар шу қишлоқнинг камтарин отахони Шомурод ота номига қўйилган. Бу кишини бу ерда танимаган одам йўқ. Шомурод ота Қибрай туманидаги "Байтқўрғон" жамоа хўжалигида биринчи радиоузелни ташкил этган эди. Туман халқ судида маслаҳатчи, маҳаллада эса фаол жанкуяр бўлган. Тўй ва маъракаларда кўпчиликка бош-қош эди. Улар билан бир бор суҳбат қурган кишининг қалби бир олам қувончга тўларди.

Юртимиз истиқболга эришгач, Шомурод отанинг фарзандлари ташландиқ ерда оталарининг номини абадийлаштириш мақсадида гузар қуриш ташаббуси билан чиқдилар. Қибрай тумани ҳокимлиги бу хайрли ишни қўллаб-қувватлаб, уларга яқиндан кўмаклашди. Натижада орадан уч йил ўтгач мазкур гузар битказилиб, тўлиқ ишга тушди. Гузар эгалари келганларни доим очиқ чеҳра, ширин сўз билан кутиб оладилар.

— Отам номига қўйилган бу гузар хусусий ҳисобланади, — дейди унинг раҳбари Акрамжон Умаров. — Бу ерда акам Баҳром, укам Ислом, турмуш ўртоғим Мовжуда, ўғлим Азизжон, катта акамнинг ўғли Бахтиёр — жами 6 киши биргаликда ишлаймиз. Хўрандалар кўнглини кўтариш ва уларга оз бўлса-да қувонч бахш этиш ғоят хайрли иш. Чойхонага келувчи кишиларнинг мумкин қадар маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қўлимиздан келган хизматимизни аямаймиз.

Мазкур гузарда озиқ-овқатлар дўкони, сартарошхона ҳам ишлаб турибди. Ҳа, инсоннинг кўнглидаги ғуборни тарқатиш, шодлик уруғларини сочиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Тадбиркор Акрамжон Умаров бошчилигидаги оилавий жамоа шундай хайрли иш соҳиблари ҳисобланадилар.

А. ФОЗИЛОВ.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИ
«Ўзбекнаво»
Гастрол-концерт бирлашмаси
ТВБ
5-6 март соат 18.00
Байрамингиз муборак, азиз аёллар!
Ҳожибой ТОЖИБОЕВ
"Энди ҳам кулмай кўринг-чи"
деб номланган янги байрам дастурига таклиф этади.
Кечада бетакрор эстрада хонандаси
Каромат Худойбердиева
ва «Сарбон» гурухи ўзининг ажойиб, жозибали қўшиқлари билан Сизларни хушнуд этади.
Чипталар сарой кассаларида сотилмоқда.
Маълумот учун тел: 45-92-51, 64-83-43

ЁШЛАР ҲАМ «КАТТА» БЎЛИШАДИ

Яқинда вилоят Ички ишлар бошқармаси ёш мутахассис ходимларининг семинар-учрашуви бўлиб ўтди

"Хизматимизни юртимизнинг ҳар бир оила осойишталигини, фаровонлигини таъминлашга бағишлаймиз" шиорига амал қилиб эл осойишталиги, юрт фаровонлигини таъминлаш йўлида фидокорона хизмат қилиб келаётган ички хизмат ходимлари ва анжуманга таклиф этилган меҳмонлар учрашув бошлангунга қадар Ҳамза театрига кираверишда қизғин гурунглашдилар.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Равшан Ҳайдаров семинар учрашувини кириш сўзи билан очди.

Мазкур анжуманда вилоят ИИБ бошқарма ва хизматларнинг раҳбарлари, ёш мутахассис ходимлар, ДАНБ, қўриқлаш бошқармаси, шаҳар, туман ИИБ ва шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлар, Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсил олаётган Тошкент вилояти тингловчи-талабалари, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида малака ошириш курсида таълим олаётган милиция ҳудудий вакиллари ва вояга етмаганлар нозирлигининг нозирлари иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчилари вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Фурқат Тангибаевнинг "Ички ишлар идоралари ёш ходимларининг жамиятда тутган ўрни ва улар олдида турган вазифалар" мавзусида, Ички ишлар вазирлиги фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғофир Раҳимовнинг "Ички ишлар идоралари фахрийларининг тажрибасидан ёш ходимларни тарбиялашда фойдаланиш" мавзусида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ўткир Жўраевнинг "Мустаҳкам интизомли, юксак маънавиятли кадрлар келажагимиз гаровидир", Ўзбекистон Республикаси ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Мурот Юнусхўжаев, Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Шавкат Мавлонов ва бошқаларнинг қизиқарли мавзудаги маърузалари билан танишдилар.

Шаҳар, туман ИИБлари ходимлари ўзаро мусобақалашиб, ўзларининг қўлга киритаётган бой тажриба, ютуқлари билан ўртоқлашишлари муҳим омиллардан бири бўлаётганлиги ҳақидаги таклифни анжуман иштирокчилари қизғин маъқулладилар. Шу ернинг ўзида Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими вакиллари Олмалиқ шаҳридан келган ҳамкасбларини, оққўрғонликлар эса Қуйичирчиқ тумани ички ишлар бўлимини ўзаро мусобақалашишга чақирдилар. Мусобақа якунига кўра ғолиблар "Тико" автомашинаси билан тақдирланадиган бўлди.

Анжуманда таъкидланишича, республикамизда 25 мингдан зиёд фахрийлар бор. Улардан 3800 дан ортиғи Тошкент вилояти ҳудудида яшашади. Вилоят фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги милиция полковниги Муҳитхожи Иноғомов, истеъфодаги милиция полковниги Ҳаким ака Абдиев, истеъфодаги милиция полковниги Қаҳрамон ака Назаров, Чирчиқ шаҳар ИИБдан фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Ғофир ака Исроилов каби отахонларнинг ҳали ғайрати сўнгани йўқ. Айтмоқчимизки, бой билим ва тажрибага эга фахрийларимиз ёшларнинг ёнида турсин. Ҳудудий нозирлар ҳисобланмиш посбонларнинг маҳаллаларда ўзига яраша обрў қозониб, юрт назарига тушишларига кўмаклашишсин.

— Бугунги ўтказилаётган ибратли тадбирнинг моҳияти жуда катта. Вилоят ИИБ бошлиғи Равшан Ҳайдаровнинг саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги пайтларда қатор яхши ишлар амалга оширилмоқда, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Сайёра Хўжаева, — 16 йилдан бери ҳуқуқ-тартибот бўйича турли хизматлар билан шуғулланиб келдим. Шуни аниқ биламанки, энг мураккаб, энг оғир иш ИИБ идоралари зиммасидадир.

Участка ходими бир ўзи ҳеч нарса қилолмайди. Жамоатчилик, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмиталари билан яқин алоқада ишлаш зарур. Оила йилида — ҳар бир оила билан алоҳида-алоҳида иш олиб боришга эришиш лозим. Фақат бир эътироз — ички ишлар ходимлари сафида аёллар сони оз. Ёшлар билан ишлашда аёллар кўпроқ жалб этилса, деган таклифим бор. Шояд, биринчи ўзбек аёли, милиция полковниги Муҳаббат Султоновага ўхшаганлар сафи кўпайса.

Шу куни вилоят ИИБ вакилларидан бир гуруҳи фахрий ёрлиқ, пул ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шундан сўнг Тошкент вилояти ички ишлар идоралари ёш мутахассис ходимларининг республикамизнинг ички ишлар идораларининг барча ёш мутахассис ходимларига Мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратларда: истеъфодаги милиция генерал-майори Ғофур Раҳимов ёш мутахассис ходимлар даврасида; ўнгда анжуман қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТИМ LTD
ОВРУПО ва АМЕРИКАДАН
қурилиш материалларини олиб келиб сотади
Телефон: 78-97-43
© РИА «Тошкент-Тойс»

Ҳаётий лавҳалар

АҚЛИНГГА БАЛЛИ!

— Хотин, — деди эрта билан туриб нонушта қилиб бўлган эр, — бугун мен навбатчиман. Ишга кечроқ бораман. Лекин, овқат қилиб олиб бориш менинг галим. Ёғ тугаб қолди, деяётгандек бўлувдинг. Қўшнилардан қарз олиб турасанми?

— Қизиқсиз-а, адаси, — деди хотин, — ҳозир бировдан қарз сўрайдиган пайтми?

— Унда нима қиласан?

— Хотиржам бўлинг, адаси, ош-пош қилганда идишларнинг тагида қолган ёғларини сидириб-силқитиб докадан ўтказиб, йиғиб юргандим. Бир литрдан ошиб қолибди. Айтган вақтингизда бир зумда овқатни қилиб бераман.

— Баракалла, — деди эр хурсанд бўлиб, — иш деган, мана бундай бўпти. Ақлингга балли-ей!

ТАЖРИБАНГИЗНИ ҚЎШНИНГИЗГА ҲАМ ЎРГАТИНГ

ҚИМнинг қанча электр қуввати ишлатганлигини ҳисоблаб юрадиган нозир навбатдаги хонадонга кирганда ҳисоблагичдаги рақамларни кўриб, хайрон бўлди. Аниқроғи ишонқирамади. Чунки, булар қўшниларникига қараганда кўпроқ пул тўлаши керак эди. Нега деганда хоналар, электр нуқталари кўп.

— Э, амакижон-е, — деди аёл, — мен кундуз куни сира ҳам чироқ ёқмайман. Кечқурунлари ҳам, фақат, зарур бўладиган хоналарда чироқ ёнади. Қолганларини ўчириб қўямиз. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг адиш-товоқларни йиғиштириб, ошхонага бир боришимнинг ўзида уларни ювиб, саранжомлаб қўяман. Ҳа деб ҳуда-беҳуда қатнаб, чироқни ёқавермайман. Болаларимни ҳам шунга ўргатганман, тайинлаб қўйганман. Яна бир нарсани айтай. Баъзиларга ўхшаб кечаси чўчийман, деб айвоннинг чироғини ёқиб қўймаймиз. Кўчадаги чироқнинг тушиб турадиган шуъласи ҳам бўлади!

— Шу тажрибангизни қўшнингизга ҳам ўргатсангиз бўлмайдими, — деди нозир аёлнинг "иқтисоди"га тан бериб.

— Э, нималар деяпсиз, ука, — деди аёл, — Ҳозир бировга ақл ўргатадиган замонми?!

ТАНДИРДАН ЯНГИ УЗИЛГАНДЕК

ОИЛА аъзолари жамулжам бўлиб тамадди қилишди. Фотиҳа ўқилди, Дилшода дастурхондаги қолган-қутган нонларни дарров йиғиштириб олди ва эринмай майдалаб тўғради, сўнг газ ўчоғига қўйиб, қотириб олди. Сурпдан қилинган тоза халтачага солиб қўйди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Онаси гўшакни олди.

— Ҳозир шеригим билан бораман, — деди эр, — овқат-повқатинг борми, биратўла тушлик ҳам қиламиз.

— Келаверинг, — деди хотини.

Она овқатга уннаб кетди.

— Идишни қарагинчи, қизим, нон бормикин, — деди у.

— Бор, ойижон, лекин, суви қочиброқ қолипти-да. Адамларнинг меҳмонлари бор экан, бўлаверадими? Ёки гузарга чиқиб келайми?

— Йўқ, — деди онаси, — кеча ойнаи жаҳонда берилган маслаҳатни эшитдингми? Ўшани бир қилиб кўрайлик-чи!

У ош дамлади. Эри меҳмон билан келиб ўтирди. Қизи суви қочган нонлар устига намланган оппоқ сочиқни ёпди. Бироздан сўнг газ ўчоғига қўйди. Кўп ўтмай нонлар худди тандирдан узилгандек бўрсилдоқ бўлиб чиқди. Тановул бошланди.

— Ёқимли иштаҳа...

Уй бекаси хонадан жилмайиб, мамнун чиқди.

СУВИ ҚОЧИБ ҚОЛИПТИ

КЕЛИН ярим-ёрти тўғралган тоғорачадаги нонларни олиб бориб, тўғри қўйларнинг охурига ташлади. Жониворлар очиқиб турган эканми, талашиб кетишди. Кўзичоқнинг оғзига каттароқ бўлаги тушиб қолган экан, она совлиқ юлиб олмоқчи бўлди. Оёғи остига тушиб гўнгга қоришди. Буни кўриб турган қайнонанинг юраги ачишди, жаҳли чиқиб кетди.

— Ахир увол бўлмайдими, болам, — деди у босиқлик билан. — Нима, моғорлаб қолиптими? Ҳозир кун иссиқ эмас-ку?!

— Йўқ, — деди қайнонасининг дашномидан энсаси қотган келин, — суви қочиб қолипти. Ойи, биласиз-ку, невараларингиз бундай нонларни хуш кўришмайди, ўғлингиз янги нон олиб келадилар.

Қайнона келинининг бу ҳатти-ҳаракатидан ранжиди, ўғлига эса ачинди...

ИШТАҲАНИ ЎЛДИРДИ

Келин тўлдириб сузиб келган косалардаги шўрванинг юзида ёғ кўлоб-кўлоб эди.

— Мен ичмайман, — деб косани нарироқ суриб қўйди Нусрат, — ёғи кўнглимни айнитади.

Укаси ҳам шу гапни такрорлади.

Қайнона ҳам, кайнота ҳам бизга ёғсизроқ сузиб келсангиз бўларди, деб айтишди.

Бу келинга ёқмади. Бунча ношукур бўлишмаса, деди ичида.

Унинг кўнглидаги фикрни уққан қайнона деди:

— Бундан кейин суюқ овқат қилганингизда ёғни сал камроқ солинг, келин!

— Унда овқат ширин бўлмайди-да, — деб тилини бермади келин.

Сўнг у эринибгина ўрнидан турди. Мана бўлмаса, дегандек қошиқ билан косаларнинг юзидаги ёғларни олиб, чайинди солинган идишга сола бошлади. Ана, энди ичаверинглар, дегандек уларга қаради. Афсуски, болаларнинг ҳам, қайнота ва қайнонанинг ҳам иштаҳаси ўлиб бўлган эди.

ҲАДЕБ ОВОРА БЎЛАВЕРАМАНМИ?

ҚАЙНОНА ошхонага кирган эди, кундуз куни бўлишига қарамай электр лампочкаси ёниб турарди. Эсидан чиқибди-да, деб ўчириб қўйди. Ҳовли рўясида турган келин буни кўриб, югуриб келди.

— Нега ўчирдингиз, — деди жаҳл билан, — мен идиш-товоқларни ювмоқчи бўлиб турувдим...

—Ахир ҳаммаёқ ёруғ-ку, болам, — деди қайнона ҳайрон бўлиб.

Келин бўш келмади.

— Кўрмаяпсизми, — деди у зарда билан. — Осмонга қаранг, қоп-қора булут-ку! Бу аҳволда ошхонада иш қилиб бўладими?

— Ё, ажабо, — деди қайнона осмоннинг уербуерида сузиб юрган паға-паға булутларга назар ташлаб, — лоф ҳам эви билан-да, болам!..

Носир РИХСИЕВ.

ХАЛҚИМИЗДА қўлинг дард кўрмасин, деган ибора қўли гул, меҳнаткаш ва хунарманд устазодаларга нисбатан айтилади. Ахмариддин Низомовнинг отаболари ҳам узоқ йиллар бешикчилик санъати билан шуғулланиб келишган. Бу сеҳрли хунар Ахмариддинни ҳам ўзига ошуфта этди. Уни бешик ясовчи уста сифатида нафақат Паркентда, ҳатто, қўшни туманларда ҳам яхши билишади. У кишининг оиласи, укалари Хусниддин ва Хукмиддинлар ясаган бешикларда жажжи болажонларимиз яйраб-яйраб ўсишмоқда.

СУРАТДА: уста Низомовлар иш устида.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Божхона бекати

САНАМАЙ САККИЗ ДЕГАНЛАР...

ВИЛОЯТ божхона ходимлари асосий эътиборни республикамиз чегарасидан гиёҳванд моддалар ва товар моддий бойликларни ноқонуний равишда олиб ўтилишига қарши курашга қаратмоқдалар.

● 11-сонли "Ойбек" божхона бекати ходимлари республикамиз ҳудудига айланма дала йўллари орқали кириб келган "КамАЗ—5320" русумли автоуловни тўхтатиб, божхона кўригидан ўтказганларида, унинг юкхонасида ҳеч қандай ҳужжатсиз 41,9 минг пачка чет элда ишлаб чиқарилган сигареталар ва ҳар бирининг сиғими 200 литр бўлган саккиз тонна спирт борлигини аниқладилар. Ҳайдовчи Н. Муҳаммадиевнинг сўзига қараганда, сигарета ва спирт тожикистонлик фуқарога тегишли бўлиб, ҳайдовчи бу юкни Қўйлиқ бозорига олиб бориш учун кира қилган экан. Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилаётир.

● Республика давлат Божхона қўмитасининг тезкор гуруҳи ходимлари томонидан назоратдан ҳоли, айланма йўллардан мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган "КамАЗ—54112" русумли автоулов тўхтатилиб, назорат кўригидан ўтказилганида, унинг юкхонасида 18 тонна ун маҳсулоти борлиги аниқланди. Бу ҳужжатсиз маҳсулот ОРМЗ "Келес" божхона омборига жойлаштирилди ҳамда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

● 14—"Ғишткўприк" божхона маскани ходимлари томонидан "Тошкент—Алмати" йўналиши бўйича кетаётган автобус йўловчилари божхона кўригидан ўтказилганида, 1962 йилда туғилган Афғонистон республикаси фуқароси Ф.Г.Дафтагирнинг чўнтагида ноқонуний равишда олиб кетилаётган 25 минг АҚШ доллари борлиги аниқланди.

● Тожикистонлик фуқаро Диёра Набиева нархи 357550 сўмлик 6379 пачка ҳар хил турдаги сигераталарни мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирмоқчи бўлганида 20-сонли "Ўратепа" божхона пости ходимлари томонидан тўхтатиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам божхона маъмурий, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

М. МИРСОВУРОВ.

БИЛАСИЗМИ?

◆ ЭНГ қадимги миллий мадхия Японларники бўлган. Унинг матни IX асрда ёзилган. Миллий мадхияларнинг энг қисқа матни ҳам японларга, шунингдек Иордания ва Сан-маринолиқларга тегишли. Японлар мадҳияси фақат тўрт қатордан иборат. Энг узун мадхия грекларникидир. У 158 сатр ҳисобланади.

***

◆ АМЕРИКАЛИК океаншунослар—Рехнитдер ва Тарриларнинг хисоблашича океан ва денгизларнинг тубида миллионга яқин чўкиб кетган кемалар бор. Асримизнинг бошидан бери ҳар йили ўртача 398 та кема чўкиб кетаяпти. XIX асрнинг ўрталарида эса йилига 3000 га яқин катта-кичик кемалар турли сабаблар билан халок бўлган. Агар одамлар кемаларда денгизлар оша суза бошлаганидан бери 2000 йил ўтди, йилига чўккан кемалар сони 500 та атрофида деб ҳисоблайдиган бўлсак, Америкалик океаншуносларнинг таҳминлари тўғри бўлиб чиқади. Шундай қилиб океан ва денгизларнинг ҳар 40 квадрат метр тубига ўртача биттадан чўккан кема тўғри келади.

***

◆ ҚИШНИНГ совуқ кунларида оқ нон истеъмол қилиш инсон организмига салбий таъсир кўрсатишини биласизми? Ҳа, оқ нон, макарон, қанд, шаколад организмдаги B_1 дармондорисини ўлдиради. Танадаги бўшашувчанлик, асабларнинг таранглашуви, ҳамма нарсага бефарқ қараш ана шундан. Қишда ёздаги миқдорда сув ичишни унутманг. Чунки, изғирин пайтида, шунингдек хонадаги иссиқ хавода тери тез қовжирайди. Оқ нон, макарон, қанд ва шаколадни ёқтирадиган кишилар кунига икки чой қошиқда суюқ ҳамиртуруш ичиб, юқоридаги ноз-неъматларнинг ўрнини тўлдиришлари мумкин.

***

◆ РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақил бўлганидан кейин чет элга саёҳат ёки тижоратга тез-тез борадиган кишилар сони кўпайди. Африка ва Лотин Америкаси, Хиндистон мамлакатларига бориб келаётганлар ҳам анчагина. Шу сабабли бундай кишиларга бир маслаҳат: агар улар Африканинг экватор қисмига ёки Лотин Америкасига саёҳатга отланган бўлсалар сариқ безгакка қарши, Ҳиндистонга бормоқчи бўлсалар ошқозон терламаси касаллигига қарши, Маккага сафарга чиқаётганлар эса менингит ва дифтерия касаллигига қарши вакцина қабул қилишлари керак. Шунга ҳам эътибор бериш лозимки, кўпгина тропик мамлакатларида учрайдиган касалликларнинг яширин даври 2-3 хафтани ташкил этади. Шу сабабли саёҳатдан қайтган кишилар кайфиятлари чоғ бўлса ҳам албатта, шифокорларга кўринишлари лозим. Безгакнинг яна шундай хиллари бўладики, унинг яширин даври 3 йилгача давом этади.

***

◆ ЁШ ўтгани сари эркак кишининг бош мияси хажми аёлларникига нисбатан тезроқ кичраяди. Америкалик шифокорлар 65 ёшдан 95 ёшгача бўлган 330 нафар соғлом кишиларни текшириб кўриб, ана шундай хулосага келдилар. Тадқиқотчиларнинг раҳбари Детройтлик Эдвард Коффринг айтишича, бу илмий хулосани аёллар "бу янгилик эмас" деган хазил билан кутиб олганлар. Эркаклар эса унга ишонмаганлар. Шундай бўлсада олимлар бош мия хажмининг қисқариши кексаларнинг фикрлаш қобилиятлари ва хатти-ҳаракатларига қандай таъсир ўтказишини аниқлай олмаганлар. Тадқиқотчилар шунингдек, эркакларнинг мия хажми нега қисқарадию, аёлларнинг мия тўқималари кўпроқ сақланиши сабабларини ҳам ҳозирча билолмаганлар.

"МУҲАММАД ГАРМОН"ЧИЛАР САҲНАДА

"Наврўз" ҳайрия жамғармасининг Оққўрғон туман бўлинмаси қошида ташкил этилган "Муҳаммад гармон" гуруҳи меҳнаткашларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Шокиров бошчилигидаги бу гуруҳ дастуридан Ватан, мустақиллик, Наврўз ҳақидаги қўшиқлар, турли миллатлар халқ оғзаки ижодига мансуб лапарлар ўрин олган.

Шунингдек, 60 дан зиёд чет мамлакатларда бўлган "Муҳаммад гармон"чилар шу давлатларда яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, урф-одати, маданияти ҳақида ҳам гапириб бермоқдалар.

Р. ҲАМИДОВ.

УСТОЗ ЁДИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги Отажонов номли агрофирма ўйингоҳида жамоа хўжалиги бошқарувининг марҳум раиси М. Отажонов хотирасига бағишланган волейбол бўйича хотира турнири ўтказилди.

Ўнта жамоа қизғин беллашув олиб борган бу мусобақада биринчи ўринни агрофирма вакиллари, иккинчи ўринни эса "Тошовул" жамоа хўжалиги волейболчилари эгаллашди.

Агрофирма бошқаруви раиси Абдулла Отажонов турнир ғолибларига эсдалик совғалари топширди.

Дониёр КАМОЛОВ.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ТАРИХ БЎЛИБ ҚОЛДИ

ШУНДАЙ қилиб Наганода икки ҳафта мобайнида бўлиб ўтган XVIII қишки Олимпиада ўйинлари ҳам ўтмишга айланди.

NAGANO 1998

Унда жаҳоннинг 72 мамлакатидан келган 2400 га яқин спортчилар орасида Ўзбекистондан беш нафар вакилимиз иштирок этди. Агарда серқуёш ўлка ҳисобланган Ўзбекистонда қишки спорт турлари бўйича спортчиларимиз етарли тажрибага эга эмасликларини эътиборга оладиган бўлсак, Наганода эришган натижаларимизни қониқарли деб баҳоласа бўлади. Беш вакилимиздан тўрттаси мусобақада қатнашди. Бешинчи вакилимиз Сергей Бренер бетоблиги туфайли баҳсларда иштирок этолмади. Муз устида нафис учиш бўйича якка беллашувларда қатнашган Татьяна Малинина кучли ўнликка кириб, саккизинчи поғонани эгаллади. Лина Черязова ўн учинчи, Роман Скорняков ўн тўққизинчи ва Комил Ўримбоев йигирма тўртинчи ўринни эгаллади.

БОШ СОВРИН ОЛМАЛИҚЛИКЛАРДА

ШАҲАРДАГИ тоғ-кон-металлургия комбинати ҳамда кимёгарлар спорт залларида минифутбол бўйича бўлиб ўтган мусобақада шаҳар ва туман ҳокимликлари, бўлим ва бошқармаларнинг раҳбарларидан иборат терма жамоалар иштирок этди. 19 команда тўрт гуруҳга бўлиниб, саралаш учрашувларидан сўнг ғолиблар финалда ўзаро учрашдилар. Мезбонлар — Олмалиқ шаҳар жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, бош совринни қўлга киритди. Чирчиқликлар иккинчи, оҳангаронликлар учинчи бўлишди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

ҲИНДИСТОНДА шохмот бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан 66 гроссмейстер иштирок этди.

Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилган тошкентлик Александр Ненашев эстониялик Ян Элверт ҳамда англиялик Найжел Шорт ва Жонатан Спилменд билан дуранг ўйнаб, қолган етти учрашувнинг бештасида ғолиб келиб, ҳамда икки дуранг натижа билан биринчи ўринни эгаллади. Ватандошимиз 11 имкониятдан 8 очко тўплаб, халқаро турнирнинг бош совриндори бўлди.

Ҳозирда Александр Ненашев яна бир халқаро йирик мусобақага — "Нью-Йорк Опен" турнирига ҳозирлик кўрмоқда.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига кўра, 25 февраль — 1 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг ўзгарувчан келиши кутилади. Эрталаб ва кечалари туман тушиши эҳтимоли бор. Ҳафтанинг охирига бориб, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши мумкин.

Ҳарорат кечалари 1-6 даража совуқ, 3 даража илиқ, кундуз кунлари 7-12 даража илиқликкача кўтарилади.

Ҳафтанинг сўнгги кунларида эса ҳарорат бироз пасайиб, 0-5 даража илиқ атрофида бўлади.

"Тошвилюктранс" концерни жамоаси вилоят ҳокимлиги қурилиш, уй-жой ва коммуникация мажмуи масалалари бўйича котибият мудири **Анатолий Александрович МАНАСОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси жамоалари Қуйичирчиқ тумани ҳокими муовини, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳанифа Зокировага қизи **ЗУҲРАХОНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси вилоят "Агрокимётаъминот" бошқармаси бошлиги Жаҳонгир Шариповга волидаи муҳтарамалари **ИКБОЛХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти "Ўзагрокимётаъминот" давлат хиссадорлик бирлашмаси жамоаси бирлашманинг раиси Жаҳонгир Шариповга волидаи муҳтарамалари **ИКБОЛХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0971. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Муззаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 16.167 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.45. 1 2 3 4 5 6